



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziyo ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «15» июнъ

VI-29-12-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши ҳузуридаги “Нуронийлар” жамоатчилик назорати кенгаши фаолиятини ташкил этиш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти түғрисида”ги қонунининг 19-моддасига ҳамда “Жамоатчилик назорати түғрисида”ги қонунга асосан Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши қарор қиласиди:

1. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши ҳузуридаги “Нуронийлар” жамоатчилик назорати кенгаши түғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;
2. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши ҳузуридаги “Нуронийлар” жамоатчилик назорати кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.

Халқ депутатлари Сурхондарё
вилоят кенгашининг
2021 йил 15 июндаги
VI-29-12-8-0-K/21-сон қарорига
1-илова

“Нуронийлар” жамоатчилик назорати кенгаши тўғрисидаги

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) халқ депутатлари вилоят, (туман) шаҳар Кенгашлари хузуридаги “Нуронийлар” жамоатчилик назорати кенгашининг (кейинги ўринларда — Нуронийлар кенгаши) асосий вазифалари, функциялари, ваколатларини ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Нуронийлар кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, вилоят, (туман) шаҳар миқёсида фаолият юритувчи секторлар раҳбарларининг (кейинги ўринларда - секторлар) фаолиятига баҳо берувчи орган ҳисобланади.

3. Нуронийлар кенгаши халқ депутатлари вилоят, (туман) шаҳар Кенгашлари хузурида, тегишли халқ депутатлари Кенгаш қарори билан ташкил этилади.

4. Нуронийлар кенгаши тегишли сектор раҳбариниг фаолиятини ўрганиш юзасидан қарор қабул қиласди. Нуронийлар Кенгашининг қарорлари халқ депутатлари Кенгашларининг навбатдаги сессияларида муҳокама қилинади.

5. Нуронийлар кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қиласди.

6. Нуронийлар кенгаши тўғрисидаги низом ва унга киритиладиган ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

2-боб. Нуронийлар кенгашининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуклари ва маъбуриятлари

7. Қуйидагилар Нуронийлар кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

секторларнинг фаолиятида, улар томонидан қабул қилинаётган ҳудудни ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олинишини ўрганиш;

сектор раҳбарига бириклирлган ҳудуд аҳолисининг жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ўрганиш;

ҳудудларда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган ишларни рўёбга чиқариш бўйича секторлар раҳбарларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

секторлар раҳбарлари фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини доимий равища, ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш;

худудларда жисмоний ва юридик шахслар учун яратилган шарт-шароитларни (жисмоний шахсларнинг уй-жойи, юридик шахсларнинг шарт-шароитлари, кўрсатилаётган ижтимоий-маиший хизматлар, малакали тиббий ёрдам ва бошқалар) ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича секторлар кесимида таклифлар киритиб бориш;

секторлар фаолияти бўйича жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

секторлар раҳбарларининг фаолиятига юқорида кўрсатилган мезонлар асосида “Аъло”, “Қониқарли”, “Қониқарсиз” баҳоларини бериш;

фаолиятига “Аъло” баҳо берилган сектор раҳбарини рағбатлантириш, шунингдек, фаолиятига “Қониқарсиз” баҳо берилган сектор раҳбарини эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш бўйича юқори турувчи вазирлик ва идорага ҳамда халқ депутатлари Кенгашига мурожаатнома юбориши.

8. Нуронийлар кенгаши ўз зиммасига юқлатилган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

секторларнинг фаолиятига доир масалалар юзасидан жисмоний ва юридик шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ташаббуслари ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиша иштирок этади, шунингдек, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашига таклифлар киритади;

секторларнинг худуддаги жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қиласи ҳамда баҳолайди;

тегишли худудни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъуллар иштирокида тадбирлар ташкил этади;

секторлар раҳбарларининг тегишли худуддаги жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ишларини амалга ошириши устидан мониторинг ўтказади;

секторлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича бажарилаётган ишларнинг натижаларини таҳлил қиласи, уларнинг самарадорлигини ошириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

ўзига юқлатилган вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятиянинг бошқа институтлари ҳамда жисмоний ва юридик шахслар билан ҳамкорлик қиласи.

9. Нуронийлар кенгаши зиммасига юқлатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

секторлар томонидан ташкил этиладиган оммавий тадбирлар (йиғилишлар, ҳашарлар, хайрия тадбирлари ва бошқалар) тўғрисидаги ахборотни олдиндан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш;

секторларга биритирилган ҳудудлардаги аҳоли яшаш шароитини, тадбиркорлар фаолиятини жойига чиқкан ҳолда ўрганиш;

секторлар фаолияти бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан секторлар раҳбарларининг ахборотларини эшлиш, статистика ва бошқа материалларини олиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига секторлар томонидан берилган жавобларнинг сифатини таҳлил қилиш;

секторлар раҳбарларининг уй-жой, ижтимоий-маиший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;

Нуронийлар кенгаши мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

юклатилган вазифаларни бажариш учун йиғилишлар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш хукуқига эга.

10. Нуронийлар кенгаши ўз фаолиятини амалга оширишда:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши;

секторлар раҳбарларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

секторлар раҳбарлари эркин фаолият кўрсатиши учун тўқсқинлик қиласлиги;

мониторинг жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини таҳқиқлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашибга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, маҳфийлигига риоя қилиши шарт.

3-боб. Нуронийлар кенгашининг таркибини шакллантириш ва ишини ташкил этиш тартиби

11. Нуронийлар кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари киради.

12. Нуронийлар кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари ҳамда депутатлар, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обру-эътиборли нуроний фуқаролар қабул қилинади.

13. Нуронийлар кенгаши аъзоларининг сони чекланмайди.

14. Нуронийлар кенгашининг таркиби халқ депутатлари Кенгаши қарори билан ҳар

3 (уч) йилда тасдиқланади.

15. Қўйидаги ҳолатларда Нуронийлар кенгашининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

улар томонидан Нуронийлар кенгаши таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

Нуронийлар кенгашининг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаганда, мазкур Низомда белгиланган мажбуриятларни бажармаганда;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айлов ҳукми қонуний кучга кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда.

16. Нуронийлар кенгашининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгартишлар улар тасдиқланган пайтдан бошлаб 5 (беш) кун ичida тегишли ҳокимлик (Кенгаш)нинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

17. Нуронийлар кенгашининг раиси:

Нуронийлар кенгашининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

Нуронийлар кенгашининг мажлисларини чақиради ва кун тартибини белгилайди;

Нуронийлар кенгашининг мажлисларида раислик қилади;

Нуронийлар кенгашининг иш режасини, мажлиси баённомасини ва бошқа хужжатларини тасдиқлайди;

Нуронийлар кенгashi қарорларининг ижросини назорат қилади;

Нуронийлар кенгashi аъзоларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилишини мувофиқлаштиради;

ҳокимлик (Кенгаш) расмий веб-сайтида жойлаштириладиган Нуронийлар кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар таркиби бўйича таклифлар киритади ва уни мунтазам веб-сайтда эълон қилинишини назорат қилиб боради;

Нуронийлар кенгashi қарорларини бажарилиши юзасидан секторлар раҳбари билан ҳамкорлик қилади;

Нуронийлар кенгашининг ишини самарали ташкил қилиш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Нуронийлар кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари ва мажбуриятларини раис ўринбосари бажаради.

19. Нуронийлар кенгashi раисининг ўринбосари:

раис йўқлигига Нуронийлар кенгашининг мажлисларида раислик қилади;

Нуронийлар кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

жисмоний ва юридик шахсларни ҳамда юридик шахсларнинг вакилларини қабул қиласди, шунингдек, Нуронийлар кенгаши фаолиятига тааллукли мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

Нуронийлар кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. Нуронийлар кенгашининг котиби:

Нуронийлар кенгашининг фаолиятини услубий, ташкилий-хуқуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласди;

Нуронийлар кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, секторлардан зарур хужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Нуронийлар кенгаши мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Нуронийлар кенгаши ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини Нуронийлар кенгашининг раиси (раис ўринбосари) билан келишади;

Нуронийлар кенгашининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Нуронийлар кенгаши мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида хабардор қиласди;

Нуронийлар кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан мониторинг олиб боради ва унинг натижаларини Нуронийлар кенгаши мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

Нуронийлар кенгаши мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг Нуронийлар кенгаши аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

Нуронийлар кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Нуронийлар кенгашининг аъзолари ўз мажлислида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш хуқуқига эга эмас.

Нуронийлар кенгашининг мажлисида иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолатларда, унинг аъзоси мажлис кун тартиbidаги масалалар бўйича ўз фикрини ёзма шаклда юбориши мумкин. Бунда унинг фикри мажлисда кўриб чиқлади ва овоз беришда ҳисобга олинади.

Нуронийлар кенгашининг аъзолари:

Нуронийлар кенгаши иш режаларининг лойиҳаларини тайёрлайди, уларни Нуронийлар кенгашида кўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режалари бажарилишини таъминлайди;

секторлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиша ҳамда амалга оширишда қатнашади;

Нуронийлар кенгашининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайди;

Нуронийлар кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли хужжатларни тайёрлайди;

22. Нуронийлар кенгаши фаолиятининг асосий масалалари унинг мажлисида кўриб чиқилади. Нуронийлар кенгашининг мажлиси унинг иш режалари асосида ҳар ойда камида бир марта чақирилади.

Нуронийлар кенгашининг раиси Нуронийлар кенгаши аъзоларининг учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида унинг навбатдан ташқари мажлисини чақириши мумкин.

23. Нуронийлар кенгашининг мажлисларига бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

24. Нуронийлар кенгашининг мажлисини унинг раиси олиб боради. Раис иштирок эта олмаган ҳолатларда, мажлисни унинг ўринbosари олиб боради.

Нуронийлар кенгашининг мажлисида фаолияти муҳокама қилинаётган сектор раҳбари иштирок этади. Сектор раҳбарининг ўринbosарлари ва бошқа ходимлари заруратга қараб мажлисга чақирилиши мумкин.

25. Нуронийлар кенгашининг мажлиси, агар унда Нуронийлар кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, Нуронийлар кенгашининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

26. Нуронийлар кенгашининг қарори мажлисда иштирок этаётган Нуронийлар кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

27. Нуронийлар кенгашининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг фикрини ёзма шаклда ифодалашга ҳақли. Унинг фикри Нуронийлар кенгаши мажлисининг баённомасига мажбурий тартибда қўшиб қўйилади.

28. Нуронийлар кенгашининг мажлисида қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилади. Нуронийлар кенгаши мажлисининг баённомаси котиб томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ва 3 (уч) кун муддатда тегишли халқ депутатлари Кенгашига, секторларга, Нуронийлар кенгаши аъзоларига ва манфаатдор шахсларга юборилади.

29. Сектор раҳбари Нуронийлар кенгашининг қабул қилган қарорига қўшилмаган ҳолларда Нуронийлар кенгашининг қарорини олган кундан бошлаб 10 (ўн) кундан кечикмай унга асослантирилган эътирозини ёзма шаклда юборади.

30. Нуронийлар кенгашининг котиби кенгаш аъзолари кўмагида Нуронийлар кенгashi қарорлари ижросининг боришини ўрганади ва кўриб чиқади, зарур бўлган ҳолларда Нуронийлар кенгашининг раисига тегишли таклифлар киритади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

31. Нуронийлар кенгашининг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари, шунингдек, қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

32. Нуронийлар кенгашининг фаолияти унинг низомига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ эканлиги тегишли халқ депутатлари Кенгashi томонидан назорат қилинади.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг
2021 йил 15 июнядаги
VI-29-12-8-0-K/21-сон карорига
2-илова

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши хузуридаги

“Нуронийлар” жамоатчилик назорат кенгаши

ТАРКИБИ

T/р	Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими
1	Соатов Арзикул Чоршанбиевич	Сурхондарё вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгашираиси
2	Марахимов Авазбек Рахимович	Термиз давлат университети ректори, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгашираиси ўринбосари
3	Ёқубов Иброҳим Алланазарович	Ўзбекистон Экологик партияси вилоят партия ташкилоти раиси, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
4	Бакиров Поян Уралович	Термиз давлат университети рус филологияси факультети декани, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
5	Собиров Эшқобил Халдарович	Музработ тумани маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлими ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари гурухи раҳбари, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
6	Джураева Дилфузा Джангировна	Сурхондарё вилояти давлат архиви директори, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
7	Сувонова Дилбар Набиевна	Термиз шаҳар 12-сонли “Мехрибонлик уйи” директори, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси

T/р	Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими
8	Чориев Абдураим Равшанович	“Ал-Хаким ат Термизий” ёдгорлик мажмуаси директори, , “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
9	Холлиева Шоҳида Бойматовна	“Амударё” болаларни соғломлаштириш оромгоҳи директори, , “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
10	Алламуратов Менгнар Мамаюсупович	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
11	Шайдуллаев Шапулат Базарович	Термиз давлат университети Ўзбекистон тарихи ва археология кафедраси мудири, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
12	Артиков Абдирашид Заирович	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича Вакили (омбудсман)нинг Сурхондарё вилоятидаги ментақавий вакили, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
13	Орипов Ашур	Олтинсой тумани ҳокимининг Жамоатчилик масалалари бўйича масалаҳатчиси, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
14	Мажидов Аҳмат Нажмиддинович	Олтинсой тумани “Янги турмуш” фермер хўжалиги раҳбари, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
15	Қобулова Мавлуда Умаржоновна	“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати вилоят бўлинмаси раҳбари, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
16	Нарзуллоев Аҳмат Имидович	Денов тумани “Лочин” фермер хўжалиги раҳбари, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси

Т/р	Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими
17	Эшмуратов Абдулхаким Хушбокович	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
18	Орипов Шамсутдин	Пенсияда, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
19	Ахмедов Абдукарим Абдурахмонович	Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси, “Нуронийлар” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
20	Асатов Султан Камбарович	Жарқўргон туман “Маҳалла” хайрия жамоат бўлими бошлигининг ўринбосари “Нуроний” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
21	Кенжаев Абдуҳамид Турсунович	Қизириқ тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг ўринбосари “Нуроний” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
22	Одилов Алламурод Тилакович	Сариосиё тумани Узун давлат ўрмон хўжалиги директори “Нуроний” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
23	Чутбаев Урал Таштемирович	Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Шўрчи туман бўлими раиси “Нуроний” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
24	Қултаев Чори Эсанович	Қумкўргон тумани маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлими бошлигининг ўринбосари “Нуроний” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
25	Мардонов Эсон Мардонович	Меҳнат фахрийси “Нуроний” жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси

T/р	Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими
26	Боллиев Тўракул	Термиз шаҳар "Жўйжангал" маҳалла фуқаролар йигини раиси "Нуроний" жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
27	Ниязов Онар Абдурахмонович	Денов тумани 2516-давлат унитар корхонаси раҳбари "Нуроний" жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
28	Иргашев Қўзибой Хуррамович	Термиз тумани маҳалла ва оилани қўллаб қуватлаш бўлими бошлигининг ўринбосари "Нуроний" жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
29	Ишпўлатов Олимжон Аллаярович	Бандиҳон туман Кенгаши котибияти мудири "Нуроний" жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
30	Йўлдошов Исламулло Исмоилович	"Ином Абу Исо Мухаммад ат-Термизий" ёдгорлик мажмуаси бош хисобчиси "Нуроний" жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
31	Каршиев Музаффар Мирзахмадович	Пенсияда "Нуроний" жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси
32	Тошбоев Эшдавлат Чориевич	Бойсун тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари, туман "Нуроний" жамоатчилик Кенгаши раиси "Нуроний" жамоатчилик назорат Кенгаши аъзоси